



ТОШКЕНТ ХАЛҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил

30 июнь

ШАНБА

№ 53

(11.960)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг
16 йиллигига



КЎХНА МАКТАБ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАДА

Олмазор қўрғони Чиноз туманидаги аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан. 15-мактабнинг қисқа фурсатда батамом янгиланаётганлиги маҳаллий аҳоли учун қувончли бўлди. Боиси бу бино етмиш тўрт йил муқаддам ўзга мақсадда хом гиштдан кўтарилган, кейинчалик билим даргоҳига айлантирилган эди. Энди бино батамом бўзиб ташланиб, ўрнида олти бўлимдан иборат қўшқаватли мухташам иморат бунёд этилди.

Бу вазифани «Эрта» масъулияти чекланган жамиятининг 65 нафар қурувчиси аъло даражада удалашди. Уларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ жами 315 ўринли 14 та синфхона, жисмоний тарбия ва кураш заллари, бир нечта фан кабинети, лаборатория, спорт ва бошқа тадбирлар майдончалари барпо этилди. Ҳозиргача 640 миллион сўмлик иш бажарилди.

Айни кезларда пардозлаш, эшик-деразаларни ўрнатиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш жадал олиб борилмоқда. 35 нафар ўқитувчи тез-тез уюштирилаётган ҳашарларда фаол қатнашмоқда. Қурилишни август ойида ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

СУРАТЛАРДА:

мактабнинг умумий кўриниши; қурувчи Анвар Хидиров ўз ишидан мамнун. **Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Тақдимот

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАЛҚИНДА

Пойтахтдаги миллий матбуот марказида «Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига шарҳ» номли китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мазкур шарҳ «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг моддаларига берилган илк илмий-амалий талқин бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг қўшма лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Япония Адлия вазирлиги қўшидаги Тадқиқот ва малака ошириш институти Халқаро ҳамкорлик департаменти кўмаги остида тайёрланди.

3000 минг нусхада чоп этилган наشري келгусида ўзбек, япон, инглиз тилла-

рида ҳам тайёрлаш кўзда тутилган.

Шарҳни тайёрлашда жуда кўп япон ва ўзбек экспертлари билан маслаҳатлашилди, — дейди Япониянинг юртимиздаги фавкулотда ва мухтор элчиси жаноб Кусумото Юичи. — Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиш йўлидаги одимларини, юксак имкониятларини бизнинг сармоядорлар юқори баҳоламоқда. Ун икки боб, 192 моддадан иборат мазкур шарҳ мамлакатимизда иш юритаётган хорижий сармоядорлар ва юртимиз тадбиркорлари учун ўзига хос меъёрий ҳужжат бўлиб қолиши шубҳасиз.

Мўмин ИБОВ.

Қулайлик

ЯНГИ ДАВОЛАШ МАСКАНИ

Зафар автобус-такси саройи хусусий корхонаси қошида қулоқ, бурун ва томоқ йўлларини даволашга ихтисослашган бўлим очилди. Ҳозир у бир вақтнинг ўзида 30 нафардан зиёд беморга тиббий хизмат курсата олади. Янги бўлим замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган физиотерапия ва уқалаш хоналарига эга.

Даволаш бўлимида лор соҳасига тааллуқли бўлган барча жаррохлик амалиётлари бажарилади. Жумладан, ангина олиб ташлаш, оденатит, қулоқ эшитмаслиги, гайморит, ринит ва бошқа аллергик касалликлар, ларингит, фарингит, уч бошли асаблар алко-голизация ҳамда жаррохлик йўли билан давола-нади.

Таъкидлаш жоизки, Зафар АТС қошида ушбу даволаш масканининг очилиши билан 15 та янги иш ўринлари вужудга келди. Қолаверса,

мазкур хусусий клиника туман марказида жойлашган бўлиб, аҳоли учун ҳам жуда қулайдир.

Келгусида хусусий клиника фаолиятини янада кенгайтириб, терапия ва кўз касалликлари бўлиминини ҳам очмоқчи-ми. Мақсадимиз Ижтимоий ҳимоя йўлида туманидаги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдан ва янги иш ўринлари очишдан иборатдир, — дейди Зафар автобус-такси саройи раҳбари Содик Сатторов.

Ашуралло БОЙМУРДОВ.

САНАТОРИЙДА СПАРТАКИАДА

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касбаб уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан уюштирилган спартакиадада 140 нафар киши иштирок этди.

Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи ҳамда «Бўстон» санаторийси спорт иншоотларида ўтказилган бу мусобақаларда иштирокчилар спортнинг беш тури бўйича куч синашди. Ангрен педагогика ҳамда Паркентдаги «Қуёш физикаси» институтлари педагог ва олимлари вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, совинли ўринларни эгаллашди. **Ақбар АЛИЕВ.**

Хотин-қизларни спортга жалб этиш борасида вилоятимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаларида 13351 оила иштирок этган бўлса, бу йил бундай оилалар 14097 тага етди.



СОҒЛОМ ОНА — ЖАМИЯТ КЎРКИ

Бугунги кунда вилоятда 300 мингга яқин хотин-қизлар спорт билан доимий шугулланипти. Улар нафақат вилоят, балки республика миқёсида ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида ҳам муносиб иштирок этмоқдалар.

Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган хотин-қизлар спартакиадаси ҳам улар ўртасида спортни янада оммалаштиришга хизмат қилаётди. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида ўтказилаётган бу йилги мусобақаларнинг шiori «Соғлом она — соғлом бола» бўлиб, унинг шахар ва туман босқичларида 45 мингга яқин хотин-қиз иштирок этди. Энг яхши натижаларга эришган 200 нафарга яқин спортсмен аёллар эса

спартакиаданинг вилоят босқичига йўлланма олди-лар. Улар Олмалик шаҳрида «Металлург» уйингоҳида ўтказилган вилоят босқичида спортнинг су-зич, стол тенниси, волейбол, баскетбол, теннис, стритбол, шахмат, шашка ҳамда енгил атлетика тур-лари бўйича мусобақалаш-дилар.

Спартакиаданинг очи-лиш маросими ҳам танта-нали ўтди. Шўх мусиқа са-долари остида уйингоҳга кириб келган 21 та шахар ва туманининг спортсмен аёллари орасида мактаб ўқувчилари, уй бекалари, хаттоки 70 ёшли нуруний онахонларни ҳам учратиш мумкин эди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова мусобақа иштирок-

чилари ва уйингоҳни тўлдириб ўтирган минглаб томошабинларни спорт фестивали билан табриқ-лади.

Давлатимиз сиёсати-нинг бош мақсади — соғ-лом турмуш тарзини шакл-лантириш, ижтимоий бар-қарорлиқни таъминлашдан иборат, — деди Ф. Акбарова. — Аёллар ва бо-лалар саломатлигини сақ-лаш учун барчамиз бирга ҳаракат қилмоғимизиз ке-рак. Бугунги спорт фести-валнинг шiori «Соғлом она — соғлом бола» деб номланганлиги ва у халқ-аро гийҳвандликка қарши курашши кунига бағишлаб ўтказилганлиги бежиз эмас. Истагимиз — барча оналар ва фарзандлар соғ бўлишсин.

(Давоми 4-бетда).

Вилоят ҳокимлигига

БАРЧА

ИМКОНИЯТЛАР

ИШГА СОЛИНАДИ

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш бўйича республика ва вилоят комиссиялари-нинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова олиб борди.

Йиғилишда комиссиялар аъ-золари, вилоят касабта ташкилотла-ри раҳбарлари ва масъул ходим-лари, бошқармалар, ички ишлар идоралари ва жамоат ташкилот-лари вакиллари, шахар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари ишти-рок этишди.

Ёзги болалар оромгоҳларида-ги аҳвол ва уларнинг ишини ана-да яхшилаш билан боғлиқ маса-лалар муҳокама қилинди. Таъкид-ландики, болалар оромгоҳида би-ринчи мавсум ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан яқунланди. Шаҳардан ташқари хушхаво ман-зилларда жойлашган 11 та ором-гоҳда 3390 дан, умумтаълим мак-таблари ва коллежлар ҳузурида-ги 72 та оромгоҳда 5260 дан кўпроқ бола кўнгилли дам олди-рилди. Уларнинг оромгоҳларда бўлган кунлари мазмунли, қизи-қарли, маънавий-жисмоний бар-қамолликка эришиш учун фойда-ли ўтишини ташкил этишда «Ка-молот» ёшлар ижтимоий ҳарак-ти ва Болалар спортини ривож-лантириш жағфармасининг маҳал-лий бўлими алоҳида ташаб-бускорлик кўрсатишмоқда.

Лекин қўшма йиғилишда асо-сий эътибор болалар ёзини яна ҳам мароқли ташкиллаштириш, бунинг учун мавжуд камчилик-ларни тезкор бартараф этиш ма-салагарига қаратилди. Бадий-ижодий ташкилотлар, маънавият тарғибот маркази маҳаллий идо-ралари ёзги оромгоҳлардаги маъ-навий-маърифий тарбия ишлари-да суи қатнашаётганликларни кўрсатиб ўтилди. Мутасадди таш-килот ва идораларга ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш бо-расида белгиланган режалар суи-сиз бажарилишини таъмин-лашга қаратилган топшириқлар берилди.

Йиғилишда қарор қабул қилинди.

